

лиятига кўмаклашаётганини статистик маълумотларга таянган ҳолда кузатиш мумкин. 2021 йилда миллий валютанинг алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва тақлиф факторлари ҳамда ташқи омиллар таъсирида шаклланди.

Хусусан, республикада иқтисодий ва инвестицион фаолликнинг тезлашиши натижасида валютага бўлган талабнинг ошиши, ўз навбатида қулай ташқи шароитлар ва жаҳонда асосий экспорт товарларимизга нисбатан нархлар ошиши фонида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан валюта тақлифининг кўпайиши билан мувозанатланди.

Валюта айирбошлаш операцияларини янада ривожлантириш, ушбу операцияларни

янада соддалаштириш, ўз навбатида, такомиллаштириш учун тижорат банкларида ахборотларни рақамлаштириш талаб этилмоқда. Ривожланган мамлакатларда ушбу амалиётдан кенг фойдаланилмоқда ва ўзининг ижобий томонларини кўрсатмоқда. Тижорат банкларида ҳозирга қадар кредит операцияларида мижозларни Face ID ва Touch ID технологияларидан фойдаланиб, идентификация қилиш амалиёти жорий қилинган. Агар ушбу рақамли технологиялардан айнан валюта айирбошлашда фойдаланилса, биринчи навбатда, бюрократик тўсиқларга учралмайди ҳамда мижозлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмайди, вақт сарфи камаяди ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олди олинган бўлар эди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли фармони.
2. Статистика қўмитаси маълумотлари.
3. Wang, L. Evaluating Prospects of Internationalization of Chinese RMB. / L. Wang. 2013. – 28 p. Electronic text data. Mode of access: http://www.brown.edu/Departments/Economics/2013-undergrad_theses/Honors%20Thesis_Lixian%20Wang.pdf. – Title from screen.
4. Галкин С.А. Международные экономические отношения. Справочник. – Спб.: Весь мир, 2013, с. 58.
5. Наркевич С.С. Резервные валюты: факторы становления и роль в мировой экономике. / С.С.Наркевич, П.В.Трунин. – М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2012. – 136 с.
6. Chitu L., Eichengreen B., Mehl A.J. When did the Dollar overtake Sterling as the Leading International Currency? Evidence From the Bond Markets. 2012. 42 p. Available at: <http://www.nber.org/papers/w18097>
7. Кутузова А.С. Организация денежно-кредитного регулирования. Учебное пособие. / А.С.Кутузова, С.Е.Дубова, Ю.А.Соколов. – М.: Флинта, 2011. – 262 с.
8. Chinn M., Frankel J. Will the Euro Eventually Surpass the Dollar as Leading International Reserve Currency? 2005. 41 p. Available at: <http://www.nber.org/papers/w11510>.
9. Butorina O.V. Mezhdunarodnye valyuty: integratsiya i konkurentsya [International Currencies: Integration and Competition]. Moscow, Delovaya literature Publ., 2003. 368 p
10. Remarks by Chairman Alan Greenspan The euro as an international currency Before the Euro 50 Group Roundtable, Washington, D.C. 2001. November 30. Electronic text data. Mode of access: <http://www.federalreserve.gov/boarddocs/speeches/2001/200111302>. Title from screen.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a13](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a13)

Мўминова Маъсуда Бахтиёрвна -
PhD., доц. Тошкент давлат иқтисодий
университети 3-босқич докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банки ходимлари ва мижозлари ўртасида ўтказилган сўровнома ва статистик таҳлиллар натижалари асосида актив ва пассив операцияларни бошқаришдаги муаммолар ёритиб берилган. Шу билан бирга банк тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларни олдини олиш бўйича тақлифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, трансформация, ривожланиш босқичлари, KPI, молиявий брқарорлик, аллокация.

ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ АКТИВНЫМИ И ПАССИВНЫМИ ОПЕРАЦИЯМИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Муминова Масуда Бахтиёрвна -
PhD., доц. ТГЭУ докторант 3-го курса

Аннотация. В данной статье освещены проблемы в управлении активными и пассивными операциями по результатам опросов и статистических анализов, проведенных среди сотрудников и клиентов коммерческого банка. При этом сформулированы существующие проблемы в банковской системе и предложения по их предотвращению.

Ключевые слова: коммерческие банки, трансформация, этапы развития, ключевые показатели эффективности, финансовая устойчивость, аллокация.

FUNDAMENTALS OF MANAGEMENT OF ACTIVE AND PASSIVE OPERATIONS IN COMMERCIAL BANKS

*Muminova Masuda Bakhtiyorovna -
PhD., Dots. Tashkent state University of
Economics Stage 3 doctoral student*

Annotation. This article highlights the problems in the management of active and passive operations based on the results of surveys and statistical analyzes conducted among employees and customers of a commercial bank. At the same time, the existing problems in the banking system and proposals for their prevention have been formed.

Keywords: commercial banks, transformation, stages of development, KPI, financial stability, allocation.

Кириш. Мамлакатимиздаги тижорат банклари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, жаҳон стандартларига жавоб берувчи молиявий хизмат турлари билан бойитиш йиллар давомида банкларнинг асосий вазифаси сифатида қаралган. Бу бўйича Президент фармонлари, қарорлари булар асосида қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бироқ шунга қарамай, барча тижорат банкларида бу вазифалар ижроси тўлақонли амалга оширилмаганини кузатиш мумкин.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 сонли "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармонида, шунингдек, Ш.М.Мирзиёв томонидан 6 июль куни ўтказилган "Банк соҳасида стратегия ижроси ва трансформация жараёни муҳокама-сига бағишланган йиғилиш"да ҳам банклар фаолиятига доир муаммоларни кўрсатиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам тижорат банклари фаолиятига назар солсак, биргина банк ресурслари етишмаслиги муаммоси мавжудлиги, банкнинг талаб қилиб олунгунча депозитлари салмоғи юқори эканлиги, шунингдек муддатли ва жамғарма депозитлари улуши паст эканлигини кузатиш мумкин. Бунга асосий сабаб қилиб ўтказилган сўровномалар натижасида миқдорларнинг банк тизимида ишончи йўқлиги, фоизлар камлиги, ҳар ойда қўл қўйиш масалалари уларга ёқмаслиги, асосийси ортиқча маблағга эга эмасликларини қайд этганлар.

Биргина ресурс муаммоси орқали бугунги кунда тижорат банклари ажратаётган кредитларнинг риск даражаси ошишига олиб келмоқда. Чунки талаб қилиб олгунча депозитларни ҳам кредитларга йўналтириш ҳам риск ҳисобланади. Ушбу муаммоларни ҳал этишда тижорат банкларининг актив ва пасив операцияларини бошқариш жараёнларини такомиллаштириш лозим.

Адабиётлар таҳлили. Актив ва пасив операцияларни бошқаришга доир илмий ёндашувларни кўпгина иқтисодчи олимлар ўз илмий ишларида ёритиб ўтганлар. Хусусан,

иқтисодчи олим С.М.Илясов қуйидаги таърифни беради: "Актив ва пасивни бошқариш жараёни рухсат этилган максимал миқдордаги ресурслар (ўз ва қарз маблағлари)ни жалб этиш ва уларни ликвидлик даражаси ва чекланган риск даражасига эга энг фойдали активларга жойлаштиришга қаратилган"[1]. С.М.Илясов таърифида ликвидлик ва риск даражасига ҳам эътибор қаратилган, албатта бу омилларни бошқариш орқали банк даромадини оширишга эришамиз деган фикрни билдиради.

Ўхшаш ғояни Е.В.Велик ҳам илгари суради: "... актив ва пасивларни бошқаришнинг асосий мақсади кредит муассасасининг тўлов қобилияти ва ликвидлигини таъминлашда киритилган капиталдан қисқа ва узоқ муддатда максимал даражада фойда олишдан иборат"[2]. Ушбу таъриф ҳам банкларнинг фойда олишнинг асосий манбаи сифатида актив ва пасивларни бошқариш деб ёритилган.

Иқтисодчи олим В.Ю.Полушкин қуйидагиларни қайд этади: "Актив ва пасивларни бошқариш молиявий менежментнинг ажралмас қисми бўлиб, банк институтларининг молиявий рискларини минималлаштириш имконини беради". Бу таъриф хорижий муаллифларнинг талқинига яқин, чунки актив ва пасивни бошқаришга муносабат рискларни минималлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Сўнг В.Ю.Полушкин ўз фикрини давом этиб: "Банк операцияларининг барқарор даромадлигини таъминлаш мақсадида самарали ва мувозанатлашган ҳолда актив ва пасивни бошқариш банкнинг молиявий ҳолати ва кредитга лаёқатлилигини якуний баҳолашни оширади"[3], деб таъкидлайди. Иқтисодий таърифта актив ва пасивларни мувозанатли бошқариш орқали кредит бериш жараёнларини такомиллаштиришга эришиш мумкинлигини акс эттиради.

Яна бир иқтисодчи олим И.В.Ларионованинг фикри ҳам биз учун қизиқ, унинг фикрича, банкнинг актив ва пасивини бошқариш риск ва даромадлилик ўртасидаги алоқани етарли тушунишдан иборат ва банкнинг баланс таркибини бошқариш; атроф-муҳит параметрларига қараб баланс таркибидаги оператив

ўзгаришлар; молиявий стратегияда белгиланган риск қийматлари доирасида фойдани максималлаштиришни ўз ичига олади[4]. Юқоридаги таъриф иқтисодчи олима томонидан ҳар томонлама ёндашган ҳолда тўлиқ шакллантирилган.

Шундай қилиб, банкнинг актив ва пассив операцияларини ёки банк портфелини бошқариш белгиланган риск қийматлари доирасида фойдани максималлаштиришга қаратилган унинг таркибини бошқариш ҳисобланади.

Айни дамда актив ва пассивни оптимал бошқариш бу банк операцияларидан максимал даромадга эришиш, белгиланган ликвидлик даражасини сақлаб туриш ва банк рискларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция усули, объективлик тамойили, кузатиш, таққослаш, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда банклар олдида банк тизимини трансформациялаш ва ислоҳ қилиш, хорижий мамлакатларнинг молия секторини трансформация қилиш тажрибаси асосида ва молиявий соҳадаги жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш, муаммоларга ечим излаш йўллари белгилаб берилган. Банк тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган ва тутилмаган инқирозларга қарши “ҳимоя ёстикча”ларини шакллантириш стратегик ечимларни излаб топиш ва жорий этиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, бошқариш тизимига мувофиқ банк фаолиятида оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банк фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади. Банк бошқарувининг асосий вазифалари:

- стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириши;

- банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмаси, шу жумладан ваколатлар ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

- банк ходимлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

- банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашида бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғри-

сидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этиши;

- банк уставида ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт [7].

Юқоридаги белгилаб берилган вазифалар тижорат банкларининг даромадлиги ва барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Шу ўринда тижорат банкларида актив ва пассив операцияларини бошқариш жараёнида хориж тажрибасини таҳлил қилсак, банк ходими ўз вазифаларидан ташқари инновацион ғоялари билан банк тизимини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Шунингдек ўз банкидаги мавжуд муаммоларни ечимини ўзи излаб топиши лозим. Ҳар бир ходим ўз иш жойидаги муаммоларни бошқалардан кўра яхши билади ва унга қандай ёндашув лозимлигини ҳам яхши тушунади.

Албатта мотивация банк ходимини янада фаоллаштиради. Мамлакатимиз банк тизимига ҳам худди шу ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга банк актив ва пассив операцияларини бошқаришда, аввало, банк ресурсларини жалб этиш омилларини таҳлил қилиш лозим. Тижорат банклари ресурсларининг барқарорлиги актив операцияларни рисксиз бошқариш имконини беради.

Шундай экан, ижобий натижаларга эришишда тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларни инновацион бошқариш стратегияларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари активларининг таркиби ва улушини таҳлил қилиш орқали актив операцияларда йиллар кесимида қайси жиҳатлари салбий ва ижобий ўзгаришларга эришилгани ва инновацион бошқариш стратегиясида асосий ўринни қайси операция турига қаратиш лозимлиги яққол намоён бўлади (1-жадвал).

Жадвалдан активлар таркибида кредит ва лизинг маблағлари таркибида 20,9 % га ўсиш кузатилган, бу албатта ижобий ҳолат даромад келтирувчи активларнинг асосий тури ҳам кредит операциялари ҳисобланади, бироқ бошқа даромад келтирувчи активлар таркибида олди-сотди амалиётлари бўйича маблағлар, яъни қимматли қоғоз ва инвестициялар 1,9 фоизга ошганини кўриш мумкин.

Бироқ бу ижобий натижа эмас, бу эса актив операцияларни бошқариш стратегияларини такомиллаштириш долзарб эканлиги ва у орқали активлар сифатини яхшилаш имкони туғилишини исботлайди.

**2012-2022 йилларда банк тизими активларининг таркибий тузилиши
бўйича ўзгариш динамикаси, (фоизда) [8]**

№	Активлар	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.	2020 й.	2022 й.	2012 й.да 2022 й.га нисбатан ўзгариши
1.	Касса қимматликлари	2,9	3	1,9	2,9	2,4	2,4	-0,5
2.	Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб-варағидаги маблағлар	16,6	11,5	14,8	8,9	5,4	7,1	-9,5
3.	Бошқа банклардан олинадиган маблағлар	17,9	13,4	11,5	15,0	9,4	8,6	-9,3
5.	Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар*	2,5	2,3	1,6	2,5	1,2	4,4	1,9
6.	Кредит ва лизинг маблағлари	50,2	61,4	61,7	65,1	76,1	71,1	20,9
7.	Сотиб олинган векселлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8.	Бошқа молиявий активлар	1	1,8	1,7	0,2	0,1	0,3	-0,7
9.	Асосий воситалар	3,2	3	2,5	1,4	2,1	2,5	-0,7
10.	Олинадиган ҳисобланган фоизлар	0,6	0,6	0,7	0,8	1,2	2,1	1,5
11.	Бошқа активлар	4,5	2,7	2,6	3,1	1,9	1,2	-3,3
	Жами активлар	100	100	100	100	100	100	

Халқаро тажрибадан кўриш мумкинки, активлар диверсификацияси сиёсати амалага оширилган бўлиб, фақатгина кредит операцияларидан эмас балки қимматли қоғозлар, инвестициялар ва ноанъанавий кредит операциялар салмоғи юқори улушга эга. Шунингдек банк актив ва пасивларини бошқа-ришда банк пасивларини таркибини таҳлил қилиш диверсификациялашга эътибор қаратиш лозим.

Қуйидаги 2-жадвалда банк тизими пасивларининг таркибий тузилиши бўйича таҳлил қилинган бўлиб, асосий улушни олинган кредитлар ва лизинг операцияларида ўсишни кўришимиз мумкин. Депозитлар 6,2 фоизга камайганини кўришимиз мумкин. Чиқарилган қимматли қоғозлар 1,8 фоизга ошгани ижобий натижа дейиш мумкин. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан операцияларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

**2017-2022 йилларда банк тизими пасивларининг таркибий тузилиши
бўйича ўзгариш динамикаси, (фоизда) [9]**

№	Пассивлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2017 й.да 2022 й.га нисбатан ўзгариши(%)
1.	Депозитлар	48 %	40,2%	36,5%	41,1%	37,3%	41,8%	-6,2
2.	Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	0,4 %	0,4%	0,17%	0,8%	0,4%	0,2%	-0,2
3.	Бошқа банкларнинг маблағлари резидент	5 %	3,9%	3,5%	4,5%	4,2%	3,6%	-1,4
4.	Бошқа банкларнинг маблағлари норезидент	0 %	0,1%	0,2%	0,4%	1,0%	1,2%	1,2
5.	Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	36 %	50 %	55,6%	47,5%	49,3%	46,5%	10,5
6.	Чиқарилган қимматли қоғозлар	1 %	0,8%	0,01%	1,3%	3,09%	2,8%	1,8
7.	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	0,5 %	0,7 %	1,1%	1,1%	2,5%	2,2%	1,7
8.	Бошқа пасивлар	8 %	4,1%	2,9%	3,5%	2,2%	1,8%	-7,8
	Жами пасивлар	100	100	100	100	100	100	

Статистик таҳлиллар билан бир қаторда тижорат банкларининг мижозлари ва ходимлари ўртасида сўровнома ўтказилди. Қуйидаги сўровномада актив операцияларга доир муаммолари акс эттирилган. Асосий муаммоларга кредит бериш жараёнининг узоклиги мижозлар учун ноқулайликлар келтириши ёритилган. Шу билан бирга барқарор ресурслар етишмаслиги банк рискларини оширишга олиб келиши акс эттирилган. Актив операцияларга муаммоли кредитларнинг таъсири юқорилиги бўйича ҳам кўпгина жавоблар ёзилган.

Бугунги кунда кредитлар фоизи юқорилиги мижозлар норозлигига олиб келаётгани хориж амалиётида паст фоизларда кредитлар берилиши, кредит фоизини ҳам қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, ми-


жозлар маълумотини ўзида мужассамлаштирилган ягона база мавжуд эмаслиги ҳам актив операцияларга доир муаммоларни келтириб чиқариши акс этган. Мавжуд рискларни бошқариш усуллари мавжуд эмаслиги, маркетинг стратегиялари такомиллашмагани рекламани сустилиги ҳам кўрсатилган.

Банк ходимлари бугунги кунда банк тизимида хали хануз бюрократияга йўл қўйилаётганини ҳам танқид қилганлар. Актив операцияларда диверсификацияга эътибор бериш кераклиги ва инвестицион кредитларни такомиллаштириш лозимлиги қайд этилган. Банк ходимлари орасида электрон навбатни ўрнига жонли навбатни йўлга қўйишни ёқланларни ҳам кўриш мумкин. Актив операциялар бўйича асосий урғу кредит операциясига

қаратилганини ҳам бугунги кунда актив операциялари диверсификацияланмаганига ёрқин исбот бўла олади.

Бу сўровномада тижорат банкларида пас-сив операцияларга доир муаммолар ёритилган

бўлиб, унда банк ходимлари ресурсларни жалб этиши бўйича муаммолар мавжуд бўлиб, аниқ стратегия йўқлиги, мижозлар учун омонат турлари камлиги ёритилган.




1-расм. Тижорат банкларида актив операцияларга доир муаммолар [10]

Асосий муаммоларга қоғозбозлик кўп-лиги, масофадан бошқариш такомиллашмагани бу эса банк мижозларининг норозиликларига сабаб бўлаётгани ва омонатчиларни қўйилган маблағларни муддатдан аввал олишлари рискларни келтириб чиқариши бу актив операцияларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши ёритиб берилган.

Пассив операцияларга доир муаммоларга яна фоизлар камлиги улар инфляция суръат-ларига ҳамоҳанг тарзда қўйилмагани шу билан бирга ресурслардан унумли фойдаланмасликка

доир камчиликлар ёритилган. Пассив операция-лар таҳлили орқали диверсификация муаммоси мавжудлиги фақатгина омонат ва жамғарма операцияларни амалга ошириш жараёнлари билан чегараланганини кўришимиз мумкин. Қимматли қоғозлар билан операцияларни тако-миллаштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек ишонч муаммоси мавжудлиги ҳам таъкид-ланган. Актив ва пассив операцияларга доир муаммоларни ҳал этишда албатта кўпгина усулларни комбинациялаштирган ҳолда амалга ошириш ижобий натижа беради.



2-расм. Тижорат банкларида пассив операцияларга доир муаммолар [11]

BANK ISHI

Бугунги кунда кўпгина тижорат банклари КРІ тизимига ўтмоқда. Бунда банк ходими бажарилган иш натижаси орқали рағбатлантирилади. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва сонни муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу тизимни юритишда банк бошқарувининг аралашуви кузатишмоқда. Бу эса тизимини шаффоф ишлашига тўсқинлик қилади. Шундай экан хориж тажрибаси асосида ўтилатган ушбу тизимга банк тизими ривожланиши учун хизмат қилиш

имконини яратиш лозим.

Аҳолининг мамлакат банк секторига ишончини янада мустаҳкамлаш, мижозлар талаб-эҳтиёжларининг доимий мониторингни юритиш, банкнинг хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ҳар бир мижознинг эҳтиёжини қондира оладиган илғор банк хизматларини кўрсатиш белгилаб берилган. Шу асосида актив ва пассив операциялари аллокацияси ишлаб чиқилди.

№	Активлар	Ликвидлилик			Даромад			Риск			Муддат		
		I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
1.	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	+					+			+	+		
2.	Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар	+									+		
3.	Бошқа банклардан олинган маблағлар	+								+	+		
4.	Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар			+	+					+			+
5.	Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	+						+			+		
6.	Кредит ва лизинг маблағлари		+				+			+	+	+	+
7.	Бошқа молиявий активлар	+						+			+		
8.	Асосий воситалар			+									+

№	Пассивлар	Ликвидлилик			Даромад			Риск			Муддат		
		I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
1.	Депозитлар	+					+			+	+		
2.	Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	+									+		
3.	Бошқа банкларнинг маблағлари	+										+	
4.	Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	+			+			+					+
5.	Субординар қарзлар												
6.	Чиқарилган қимматли қоғозлар			+			+	+					+
7.	Ўтказилган лозим бўлган ҳисобланган фонзлар	+									+		
8.	Бошқа пассивлар	+					+				+		

3-расм. Тижорат банкларида актив ва пассивлар аллокацияси [12]

$$P_1 = A_1 + A_6$$

$$P_3 = A_3$$

$$P_6 = A_4$$

$$P_2 + P_4 + P_5 + P_7 + P_8 = A_2 + A_5 + A_6 + A_7 + A_8$$

$$A = A_1 + A_2 + A_3 + A_4 + A_5 + A_6 + A_7 + A_8$$

$$A = P$$

$$P = P_1 + P_2 + P_3 + P_4 + P_5 + P_6 + P_7 + P_8$$

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда актив ва пассивлари ликвидлилиқ, даромад, риск, муддати бўйича ва I-юқори, II-ўрта ва III-паст даражаларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинган. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, банк актив ва пассивлари нисбати таклиф этилаётган тенг асосда бўлиши мақбул ҳисобланади, агар баланс бузилса:

1. Ликвидлилиқ билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

2. Активлардан самарасиз фойдаланиш.

3. Банк ўз мажбуриятларини бажаришда қийинчиликларга юз тутиш эҳтимолини оширади. Тижорат банкларида актив ва пассивлар аллокацияси асосида трансформация рискинни бошқариш имконига эга бўламиз ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга эришамиз.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги банк ходимлари ва мижозлар фикрини ўрганган ҳолда мижозларни банкка жалб этишда инновацион хизмат турларини янада кенгроқ жорий этиш, мижозларнинг вақтини тежаш мақсадида банкларда кенг миқёсда рақамлаштириш чораларини кўриш, аввало, аҳоли ва хўжалиқ субъектларининг банк тизимида шончини оширади қолаверса, банкларга мижозларни жалб этиш самарадорлигини оширади. Банк ходимлари ва мижозларининг таклифларни ўрганган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- банклар давлатга эмас аҳолига ён босиши, давлат аралашувини чеклаш, банк мустақиллигини таъминлаш аҳоли манфатларини ҳисобга олиши лозим ва хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали янги банк маҳсулотлари билан бойитиши лозим;

- корпоратив ва йирик мижозларни банкка жалб этиш, VIP мижозлар учун менежер бириктириш, “Банк-мижоз” дастурини яхшилаш;

- тизимни янгилаш, ислом банклар тизи-

мини жорий этиш, аҳоли ишончини қозониш, сирли мижозларни олиб ташлаш, IABS тизимида охирига етмаган функцияларни такомиллаштириш, ташқи операцияларни янги дастурлар орқали такомиллаштириш;

- кредит скорингини қўллаш, кредит портфелини соғломлаштириш, банк филиалларига кредит бериш ваколатини ошириш, кредит фоизларини камайтириш, ипотека кредитлари фоизларини камайтириш;

- актив ва пассив операциялар мутоносиблигини таъминлаш, инновацион хизмат турларини кўпайтириш, коммисион фоизларни камайтириш;

- жамғармаларга пул оқимини таъминлаш, мижозларга имтиёзли таърифлар бериб жалб қилиш, банк навбатларини қисқартириш, қоғозбозликни камайтириш, доимий мижозлар учун имтиёзлар бериш;

- банк ходимларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ойликларини ошириш, банк ходимларини нафақат молиявий саводхонлигини балки IT ва психологик билимларини ҳам ошириш, банк бошқарув органларида ҳам шундай сўровномаларни тез-тез ўтказиш;

- банк иловасига ҳисоб рақамга тўловлар ва халқаро тўловларни киритиш, чакана банк хизматларини кўпайтириш, электрон имзони жорий этиш, маркетинг реклама хизматларини такомиллаштириш, Call center орқали маълумотлар олиш тизимини такомиллаштириш банк тизими ва иқтисодийнинг реал секторида фаолият юритаётган давлат улуши мавжуд корхоналарни ислоҳ қилиш, банклар томонидан давлат корхоналари ва ташкилотлари фаолияти трансформациясини амалга оширишда тижорат асосида иштирок этиш, реал ва молия секторидаги ўзгаришлар самарали кечишини таъминлаш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ильясов С.М. Управление активами и пассивами банков. // Деньги и кредит. 2000. №5. С.20.
2. Велик Е.В. Реинжиниринг процесса управления активами и пассивами // Бухгалтерия и банки. 2001. №9. С.36.
3. Полушкин В. Анализ стабильности управления активными и пассивными операциями в коммерческом банке // Бухгалтерия и банки. 2001. №1. С.40.
4. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. – М.: Консалтбанк. 2003. С.5.
5. Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.
6. <https://regulation.gov.uz/uz/d/55274>
7. <https://lex.uz/docs/>